



Покизалик - иймоннинг ярмидир. “Алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради. “Субҳаналлоҳ” ва “Алҳамду лиллаҳ” осмонлару ер оралиғини тўлдиришади (ёки тўлдиради)

Абу Молик Ҳорис ибн Осим Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Покизалик - иймоннинг ярмидир. “Алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради. “Субҳаналлоҳ” ва “Алҳамду лиллаҳ” осмонлару ер оралиғини тўлдиришади (ёки тўлдиради). Намоз нурдир. Садақа (закот) далил-ҳужжатдир. Сабр зиёдир! Қуръон сенинг фойдангга ёхуд зарарингга ҳужжатдир. Ҳамма тонг саҳардан ҳаракат қилиб, ўзини (Аллоҳга ёки шайтонга) сотади. Ёки нафсини халос қилади ёки уни ҳалок этади».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташқи тозалик таҳорат ва ғусл билан бўлишини хабар бермоқдалар. Тозалик намознинг шартларидан биридир. «Алҳамдулиллаҳ (Аллоҳга ҳамд айтиш) - тарозини тўлдиради». Алҳамдулиллаҳ - Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш ва У Зотни камолот сифатлари билан сифатлашдир. Бу калима Қиёмат куни амал тарозисини тўлдириб юборади. Субҳоналлоҳ ва алҳамдулиллаҳ —Аллоҳ таолони барча нуқсон ва камчиликлардан поклаш ва У Зотни улуғлаб, суйган ҳолда буюклигига лойиқ тарзда баркамол сифатлар билан сифатлаш (савоби) осмонлар ва ер оралиғини тўлдиради. «Намоз - нурдир» яъни, намоз банданинг қалби, юзи, қабри ва маҳшаргоҳида нур эканлигининг ифодасидир. "Садақа - ҳужжатдир" яъни, мўмин иймонида содиқ ва садақанинг мукофотига ишонмаганлиги учун садақа қилмайдиган мунофиқдан фарқли инсон эканлигига далилдир. "Сабр зиёдир". Сабр - нафсни жиззакилик ва ғабдан сақлаш. Бу сабрдан қуёш нуридек ҳарорат ва куйдириш ҳосил бўладиган нур пайдо бўлади. Сабр қилиш қийин, чунки у нафс билан курашиш ва уни интилган нарсасидан тийишни талаб қилади. Сабрли одам нурда, ҳидоятда ва тўғри йўлда мудом қолади. Сабр — Аллоҳ таолога итоат этишда, гуноҳлардан тийилишда ва дунёнинг турли машаққат ва қийинчиликларига сабр қилишдир. Агар Қуръонни ўрганиб унга амал қилсангиз, Қуръон сизнинг фойдангизга ҳужжат бўлади, аммо тиловат ҳам, амал ҳам қилмай, уни ташлаб қўйсангиз, унда у зарарингизга ҳужжат бўлади. Сўнгра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча одамлар уйқуларидан уйғониб, турфа ишлар учун турли томонларга тарқалиб, ҳаракатларини бошлашидан дарак бердилар. Уларнинг айримлари Аллоҳ таолога тоату ибодат қилишда устивор туриб, ўз жонларини жаҳаннамдан қутқарсалар, баъзилари эса, Аллоҳ йўлидан оғиб, гуноҳлар ботқоғига

ботиб, жаҳаннамга кириш билан ўз жонларини ҳалокатга отадилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66526>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

